МУХАЗРАМ – ҲАДИС РОВИЙСИ СИФАТИДА

МУХАЗРАМ – КАК ПЕРЕДАТЧИК ХАДИСА

MUKHAZRAM - AS A NARRATOR OF HADITH

Doniyor M. MURATOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD in Histori and Source Studies of Islam, Assistant professor of the department "The Islamic Studies and studies of Islamic Civilization ISESCO. doniyorhoji@mail.ru, 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

Dzhumabaeva A. AZIZA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, 3rd year student of the International Islamic Academy of Uzbekistan, Faculty of Islamic Studies. dva.aziza@gmail.com, 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2022/3/2

Аннотация: *Ушбу мақоланинг мақсади – ҳадис илми тарихида ўзига хос ўринга эга ровий – мухазрамларни ўрганиш, уларнинг ислом тарихида тутган ўрини, шунингдек, саҳобий ва тобиийлардан фарқли жиҳатларини тадқиқ қилишдан иборат. Мухазрамлар Расулуллоҳ (с.а.в.) даврида имон келтиргани жиҳатидан ва У кишини кўрмагани сабабидан саҳобийдан фарқ қилиши ҳамда тобиийлардан ажралиб турадиган томони Пайғамбар (с.а.в.) даврида ҳам яшагани ўрганилган ва таҳлил этилган.*

Луғат олимлари ва муҳаддислар томонидан мухазрамга берилган таърифда бироз фарқ бўлса-да, муҳаддисларнинг берган истилоҳий маъноси асосий тавсиф сифатида ишлатилади. Улар Расулуллоҳ (с.а.в.)га ўхшаб жоҳилиятда яшаган ёки пайғамбарлик келгандан сўнг ҳам туғилган бўлса-да, У кишини кўрмаган ҳамда вафот этганларидан кейин ҳам яшаган кишига мухазрам дейилади. Шу билан бирга Расулуллоҳ (с.а.в.)ни вафот этганларидан кейин ёки олдин кўрганлар ҳам мухазрам экани таҳлил қилинган.

Мухазрамларни саҳобий ёки тобиий экани борасида ҳам баъзи ихтилофларни кўриш мумкин. Ибн Абдулбар ўзининг саҳобийларга бағишлаб ёзган асарида мухазрамларни улар орасига қўшиб зикр қилиб ўтган. Бироқ ҳадис илми назариясига оид асарларда уларни тобиийлар қаторида тилга олинган. Мазкур жиҳатлар ҳам мақолада тадқиқ этилган.

Чунончи Мухазрамлар орасида Увайс Қараний каби Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз ҳадисларида зикр қилиб ўтганлари бор. Бироқ кўплари ҳадисларда зикр қилинмаган, шундай бўлса-да, муҳаддислар уларни ўз асарларида зикр қилганлар. Масалан, муҳаддислардан Заҳабий, Суютий, тарихчилардан Ибн Саъд каби олимлар улар номини келтирганлар ҳамда "мухазрам", "топган ва кўрмаган" (Расулуллоҳ (с.а.в.) замонини топган, у кишини кўрмаган) каби иборалар билан мухазрамлардан эканини таъкидлаганлар.

Мухазрамларнинг адади борасида ҳам якдил фикр манбаларда келмаган. Масалан, имом Муслим улардан 20 нафарини санаб ўтган, имом Суютий 45 нафар, имом Заҳабий эса, 65 нафар мухазрамни зикр қилган. Замонамиз олимларидан Бурҳониддин Муҳаммад ибн Халил 131 нафарга яқин мухазрамни санаб ўтган.

Мухазрамлар саҳобий ва тобиийлардан жуда кам экани билан ҳам ажралиб туради. Шундай бўлса-да, улар орасида саҳобий ва тобиийларда бўлгани каби энг фазилатлиси қайси бири экани борасида олимлар маълумотларни бериб ўтганлар.

Ушбу мақолада мухазрамлар ва уларнинг ислом дини ҳамда ҳадис ривоятидаги ўрни бирламчи манбалар асосида таҳлил қилиниб, мухазрамларга доир муаммолар очиб берилган.

Калит сўзлар: *мухазрам, саҳобий, тобиий, ровий, табақа, тарих, ҳадис, ҳадис илми, муҳаддис, санад, иснод, жоҳилият.*

Аннотация: *Целью данной статьи является изучение жизни и деятельности передатчиков преданий (ровий) – мухазрамов, занимающих особое место в истории хадисоведения, их места в истории ислама, а также их дифференциации от сподвижников (сахáба) и табиев. В статье отмечается, что мухазрамы отличаются от сахаба (сподвижники пророка Мухаммеда, видевших Его) тем, что они жили во времена Пророка (мир ему) и приняли ислам, но они не видели воочию Его.*

Но имеется небольшое различие в определении мухазрама лексикографами и мухаддисами. В качестве основного определения используется идиоматическое значение термина, данное мухаддисами. Они называют мухазрамом человека, который жил в период доисламской эпохи или родился после прихода пророчества и, который не видел Расулуллаха (мир ему), а также жил после Его смерти. В статье проанализировано, что те, кто видел Посланника Аллаха (с.а.в.) после или до его смерти, также являются мухазрамами.

Также можно увидеть некоторые разногласия относительно того, являются ли мухазрамы сахабами или табиями. В своем труде, посвященном сподвижникам, Ибн Абдулбар упомянул среди них мухазрамов. Однако в трудах по теории хадисоведения они упоминаются среди табиев. Эти аспекты также рассматриваются в статье.

Среди мухазрамов есть упомянутые Пророком (мир ему и благословение) в его хадисах, например, Увайс Карани. Однако многие из них не упоминаются в хадисах, хотя мухаддисы и упоминали них в своих произведениях. Например, такие ученые, как Захаби и Суюти из

мухаддисов, а Ибн Саад из историков упоминали их имена и подчеркивали, что они были мухазрамами, при помощи таких выражений, как «мухазрам», «застал и не видел» (заставшие времена Посланника Аллаха (с.а.в.) но не видевшие Его).

В источниках нет единого мнения о количестве мухазрамов. Например, имам Муслим перечислил 20 из них, имам Суюти упомянул 45, а имам Захаби упомянул 65 мухазрамов. Бурхониддин Мухаммад ибн Халил, один из ученых нашего времени, перечислил 131 мухазрама.

Мухазрамы отличаются от сахаба и табиев еще и тем, что их очень мало. Тем не менее ученые дали сведения о том, которые из них наиболее достойны для упоминания, как это было у сахаба и табиев.

В данной статье на основе первоисточников исследуются различные аспекты жизни и деятельности мухазрамов и их роль в исламской религии и хадисоведении.

Ключевые слова: *мухазрам, сахаби, табии, равий, табака, история, хадис, наука о хадисах, мухаддис, санад, иснад, джахилия.*

Annotation: *The purpose of this article is to study the narrators- mukhazrams who have a special place in the history of hadith science, their place in the history of Islam, as well as their differences from the Sahaba and Tabiys. It has been studied and analyzed that the Mukhazrams differed from the Sahaba in terms of the fact that they believed to Allah during the time of the Messenger of Allah (s.a.w.) and they did not see him. And the difference from Tabiys is that they lived during the time of the Prophet (s.a.w.).*

Although there is a slight difference in the definition of mukhazram by lexicographers and hadith collectors, the meaning of the term given by hadith collectors is used as the main description. Even if they lived in the period of ignorance as the Messenger of Allah (s.a.w.), or even though they were born after the prophethood, people who did not see Him and lived after his death are called mukhazram. At the same time, it was analyzed that those who saw Rasulullah (s.a.w.) after or before his death are also mukhazrams.

Some disagreements can also be seen as to whether mukhazrams are Sahabi or tabiy. In his work dedicated to the Companions, Ibn Abdulbar mentioned Mukhazrams among them. However, in the works on the theory of hadith studies, they are mentioned among the tabiys. These aspects are also discussed in the article.

Among the mukhazrams there are those mentioned by the Prophet (s.a.w.) in his hadiths, such as Uwais Qarani. However, many of them are not mentioned in the hadiths, although the muhaddiths mentioned them in their works. For example, hadith collectors such as Zahabi and Suyuti, and historian Ibn Saad mentioned their names and emphasized that they were mukhazrams, with such expressions as "mukhazram", "found and seen" (who found the time of the Prophet (s.a .v.), but did not see him).

There is no consensus in the sources about the number of muhazrams. For example, Imam Muslim listed 20 of them, Imam Suyuti mentioned 45, and Imam Dhahabi mentioned 65 mukhazrams. Burhoniddin Muhammad ibn Khalil, one of the scholars of our time, listed about 131 mukhazrams.

Mukhazrams are also distinguished from Sahaba and Tabiys by the fact that there are very few of them. Nevertheless, scholars have given information about which of them is the most virtuous, as among Sahaba and Tabiys.

This article, based on primary sources, analyzes the mukhazrams and their role in the Islamic religion and the narration of hadiths, identifies problems associated with the mukhazrams.

Key words: *mukhazram, sahabi, tabiy, narrator, tabaqa, history, hadith, hadith science, hadith collector, sanad, isnad, ignorance.*

КИРИШ

Қуръон каримдан кейин ислом динининг иккинчи асосий манбаси ҳадис ҳисобланиб, олимлар унга илк ҳижрий асрлардан бошлаб катта эътибор қаратиб келган. Ҳадиснинг ўрганилиши кучайгани сари, унга оид янги илмлар юзага келди ва бу борада олимлар янги китобларни ёздилар. Турли соҳалар қаторида ҳадис илмида уни ривоят қилувчи ровийларнинг тарихини ўрганиш соҳаси вужудга келди ва ривожланди.

Ҳадисни қабул қилиш учун унинг "санад" (иснод)ини (Юсуф Ш., 2019:12) текшириш энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ҳадис иснодини ўрганиш бошланган илк даврданоқ энг муҳим эътибор ровийларга қаратилган эди. Ровийлар бошида саҳобийлар турса, кейин тобиийларга катта эътибор қаратиб келинган. Бироқ аксар ўринларда саҳобий ва тобиийлар ҳақида кўп сўз юритилган бўлса-да, шу икки табақа орасида мухазрамлар туриши борасида кам ёзилган.

Мухазрамларни ўрганиш ислом тарихи, ровийлар тарихи ҳамда табақот ва шу каби жанрда ёзилган асарларда кўриб чиқилади. Бироқ мухазрамлар сони саҳобий ва тобиийлар каби кўп бўлмагани учун кам эътибор қаратилади. Айниқса, ўзбек тилидаги асарларда улар ҳақида жуда кам маълумотлар келтирилган. Шу нуқтаи назардан мухазрамларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Пайғамбар (а.с.) билан мусулмон ҳолида учрашган ва исломда вафот этган киши – "саҳобий" дейилади (Muratov D., 2019:23). Шунингдек, саҳобийлар билан мусулмон ҳолатда учрашган ва исломда вафот этган киши – "тобиий" деб аталади (Таҳҳон, 2010:45). Мана шу икки табақа орасидаги кишилар мухазрам деб юритилади. Кўп олимлар уларни тобиийлар қаторида санаб ўтадилар.

ТАҲЛИЛ

“Мухазрам” атамасига берилган таърифлар. “Мухазрам” сўзи араб тилидаги “хазрам” масдаридан олинган исми мафъул бўлиб, “тахазрама” – “икки давр оралиғида яшамоқ” деган маънони билдиради (Ан-Наим, 2003:23). “Шунингдек, аччиқ ёки ширин эканлиги билинмаган сув, отаси оқ бўлган ҳолда ўзи қора рангда бўлган бола, насаби қоришган одам, мазаси йўқ таом, қулдан туғилган бола ёки ота-онаси номаълум бўлган бола каби бир қанча маъноларни билдиради. Бу маъноларнинг барчаси чалкашлик ва ноаниқликни англатишини олимлар айтиб ўтганлар. Баъзи тилшунослар фикрига кўра, юқоридаги ўзаги берилган феълни “жоҳилият ва ислом даврини кўрган” маъносида “мухазрим” тарзида ўқиш тўғрироқ, лекин “куфрни тарк этиб, исломга кирган киши” маъносида “мухазрам” дея ўқиш машҳур ҳисобланишини (Bilgen, 2015:284), доктор Усмон Билген ўз асарида айтиб ўтган.

Ҳадис илмида саҳобий ва тобиий каби ровийлар табақаси орасида турувчи гуруҳ ровийлар мухазрам дейилади. Мухазрам атамасига кўплаб тарифлар берилган. Жумладан, муҳаддис Ҳоким Найсопурий (ваф. 405/1014 й.), жоҳилият ва Пайғамбар (а.с.) даврига етган, лекин у зотни кўрмаган кишилар ёки жоҳилиятда яшаган бўлсада, Пайғамбар (а.с.) билан мулоқот қилмаган, у зотнинг вафотидан сўнг мусулмон бўлиб, саҳобийлар билан кўришган кишига айтган. Машур муҳаддис Ибн Салоҳ (ваф. 643/1245 й.) ҳам бу борада ўз фикрини бидирган бўлиб, бу фикр Ҳоким Найсапурийнинг фикрига ўхшаш, унда жоҳилият даврини ва Пайғамбар (а.с.) замонини кўрган, исломни қабул қилган, лекин у зотни кўриш имконига эга бўлмаган кишилар эканини таъкидлайди (Салоҳ, 1986:303-304).

Муҳаддислардан Зайниддин Ироқий (ваф. 806/1403 й.) ҳам жоҳилият даврини, ҳам Пайғамбар (с.а.в.) замонини кўриб, мусулмон бўлган бўлса-да, у зот билан гаплаша олмаган кишини мухазрам дейди (Bilgen, 2015:288). Жалолиддин Суютий (ваф. 911/1505 й.) ҳам шу фикрда бўлган (Суютий, 2016:252).

Имом Сховий “Фатҳ ал-муғис” китобида унга қуйидагича таъриф берган: “Жоҳилият даврини топганларга келсак, улар пайғамбарликдан илгари кичик бўлиб, ундан кейинги Расулуллоҳ (с.а.в.) га рисолат юборилган даврда катта ёшли бўлган, у зотни кўрмаган ёки мусулмон бўлмаган ҳолда кўрган ва у зотнинг ҳаётлик даврида ёки ундан кейин исломни қабул қилган кишилар “мухазрам” деб аталади” (Саховий, 2005:110).

Ҳанафий мазҳаби олими Али Қорий (ваф. 1014/1605 й.) “Нуҳбат ал-фикр”нинг шарҳида муҳаддис Ибн Ҳожарнинг (ваф. 852/1448 й.) “Жоҳилият ва пайғамбарлик даврига етган, мусулмон ҳолда у зотни кўрмаган кишилар” деган таърифини баён қилиб шундай дейди: “Макка фатҳидан кейинги даврга етган, хоҳ Пайғамбар замонида, хоҳ ундан кейин мусулмон бўлсин, у зотни мўмин ҳолида кўрмаган кишилар” (Қорий, 1995:598).

Замонавий олимлардан Саййид Абдулможид Ғоврий фикрича, жоҳилият даврида яшаган, вафотларидан кейин имон келтирганларни мухазрамга берилган таърифда келтиради (Ғоврий, 2007:210).

Юқоридаги фикрлар муҳаддислар томонидан айтилган бўлиб, улар бир бирини тўлдиради дейиш мумкин. Шу билан бирга мухазрамга берилган яна баъзи таърифлар ҳам бўлиб, тепада айтиб ўтилган қарашлардан фарқ қилади. Масалан, фақиҳ Ибн Қутайба (ваф. 276/889 й.), кексалик чоғида исломни таниган, Пайғамбар (а.с.) вафотидан кейин мусулмон бўлган кишиларни мухазрам деган (Саховий, Фатҳ ал-муғис, 2005:130-135). Бу қарашда мухазрамнинг ёши катта экани ва фақат Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан кейин мусумон бўлишлиги билан юқоридаги таърифлардан фарқ қилади.

Аллома Ҳофиз Бурҳониддин Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Халил (ваф. 841/1438 й.) асарида қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Жавҳарийнинг айтишича, жоҳилият ва исломга етган шоир ҳам мухазрам бўлади. Масалан, Лабидга ўхшаш” (Исҳоқ, 1986:7).

“Ал-Муҳкам” асари соҳиби машҳур Андалус уламоларидан Ибн Сидаҳ номи билан танилган Абу Ҳасан Али ибн Исмоил айтади: “Мухазрам умрининг ярмини жоҳилиятда, қолган ярмини исломда ўтгазган кишидир. Шунга мувофиқ ҳолда Ҳассон ибн Собит Ансорий, Ҳаким ибн Ҳизом, Ҳувайтиб ибн Абдулуззо, Саид ибн Ярбу, Абдураҳмон ибн Авфнинг укаси Жумнун ибн Авф, Махрама ибн Навфал кабилар мухазрамлардандир. Ҳадис аҳлининг истилоҳида бундай эмас. Чунки уларнинг фикрига кўра мухазрам – икки табақа орасида тараддудланиб қолган, уларнинг қай бирига мансуб эканлиги билинмаган кишидир. Мана шу нарса мухазрамликнинг маъносидир” (Исҳоқ, 1986:7-8).

Шунингдек, баъзи уламолар Зайд ибн Ваҳб каби кишиларни ҳам шу тоифага киритишади. У Пайғамбар (а.с.)нинг ҳаётлик пайтида мусулмон бўлган, у зотни кўриш учун йўлда келаётганида Пайғамбар (с.а.в.) вафот этганлар. Шу билан бирга Қайс ибн Абу Ҳозим, Абу Муслим Хавлоний (ваф.

62/681 й.) ва Абу Абдуллоҳ Сунобиҳий кабилар ҳам исломни қабул қилишган. Улар Муҳаммад (с.а.в.) нинг ҳузурига келишидан бир неча кун олдин у зот вафот этган. Улардан яна бири Сувайд ибн Ғофала (ваф. 81/700 й.) Пайғамбар (а.с.)ни дафн қилиб бўлишгандан сўнг етиб келганлиги ҳақида ҳадислар мавжуддир (Саховий, Фатҳ ал-муғис, 2005:111).

Чунончи Расулуллоҳ (с.а.в.)ни вафотларидан кейин, дафн қилинишларидан олдин кўрган Абу Зуайб Хувайлид ибн Холид Ҳузалий саҳобий ҳисобланмайди, балки мухазрамдир. Бу киши Расулуллоҳ (с.а.в.)ни тириклик вақтларида исломга кирган, аммо кўра олмаган (Muratov, 2019:15).

Мухазрамларнинг кўпи Расулуллоҳ (с.а.в.) даврида у зотга имон келтирган, кўриш учун бормаган кишилардир. Масалан, Увайс Қараний (Mukhamedov N., Turambetov N., 2020:798-803) шулар қаторига киради.

Мухазрам сўзига луғатшунослар томонидан берилган таъриф муҳадисларнинг айтганидан фарқ қилади. Унда шундай дейилган: “Жоҳилият замони ва ислом даврини тенг кўрган[1], Пайғамбар (а.с.) билан кўришганми ёки кўришмаганми, фарқи йўқ, масалан Лабид ибн Робиъа (ваф. 41/661 й.), Ҳаким ибн Ҳизом (ваф. 54/673 й.) ва бошқалар” (Сабрий, 1997:765-766).

МУҲОКАМА

Луғатшуносларнинг берган таърифнинг муҳаддислар айтганидан фарқи шундаки (Сабрий, 1997:766), муҳаддислар мухазрамни жоҳилият ва ислом даврига етган, лекин рисолатдан кейин мусулмон ҳолида Пайғамбар (с.а.в.)ни кўрмаган бўлиши кераклигини шарт қилиб қўйганлар. Аммо луғатшунослар эса, буни шарт қилишмаган. Уларнинг фикрига кўра, умрининг ярми жоҳилиятда, ярми эса исломда ўтган бўлиши керак. Муҳаддислар наздида эса гарчи кичик бўлган бўлсада, жоҳилиятни топган бўлса етарли.

Мухазрамлар жоҳилиятда яшаган ва Пайғамбар (с.а.в.)нинг замонига етган, исломни қабул қилган, лекин у зотни кўрмаган кишилар бўлгани учун, улар саҳобий ва тобиий бўлмаган киши тушунилади. Яъни Пайғамбар (а.с.) даврларида у зотни кўрмаганлари учун саҳобий ҳисобланмайди. Шу билан бирга у зот билан айни бир замонда яшаганлиги учун тобиийлардан ҳам фарқли томони мавжуд ҳисобланади. Шу сабабли ҳам “мухазрам” деб аталган кишиларнинг таърифи борасида тилшунослар ва муҳаддислар ўртасида бир қанча ихтилофлар мавжуддир (Bilgen, 2015:285).

Ҳадис илми уламоларининг таърифларига қараладиган бўлса, уларнинг турлича эканлиги намоён бўлади. Чунки уларга етиб келган маълумотлар билан бирга ўзларининг илмий изланиш ва тадқиқотлари асосида хулоса чиқарадилар. Бу эса бир масалага турли томондан ёндашувни юзага келтиради. Бунинг фойдали жиҳати шундаки, бу турличалик бир-бирини тўлдириб туради.

Шу сабабларга кўра мухазрамга таъриф берган баъзи олимларнинг сўзларидан мухазрам, тобиийлар қаторида зикир қилинган ёки “маълум сифатга эга бўлган тобиий” деган қарашлар келиб чиққан. Унга мисол қилиб Аллома Ҳофиз Бурҳониддин Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Халил (ваф. 841/1438 й.)нинг уч рисоладан иборат асарини келтириш мумкин. Унинг биринчи қисмида қуйидаги фикрни айтади: “Ушбу китобдан воқиф бўлувчи билсинки, араб алифбосидаги “хо” ҳарфи ва фатҳали “ро” билан ўқиладиган “мухазрам” сўзининг маъноси – жоҳилият даври ва Пайғамбар (а.с.) замонига етган, лекин у зот билан учрашиб суҳбатида бўлмаган тобиийдир (Исҳоқ, 1986:7).

Аммо баъзи луғатшунос олимлар мухазрамга Пайғамбар (а.с.) билан суҳбат қурмаганлигини шарт қилишмаган (Исҳоқ, 1986:7) ва яна мухазрамнинг саҳобадан камчилиги туфайли қуйида туриши ҳақидаги фикр келтирилган: “Шунингдек, мухазрамда имкони бўла туриб саҳобийни кўрмагани учун саҳобийдан мартабасининг ноқислиги бўлади. “Ан-Ниҳоя” асарида шундай дейилади: “Хазрама феълининг асли – бир нарсани икки нарса орасида қилиш, агар қулоқнинг баъзиси кесилса, тўлиқ ва ноқис орасида бўлади”, деганлар. Жоҳилият аҳли қўйларининг қулоғини кесишар эди. Ислом келгач, Пайғамбар (с.а.в.) уларни жоҳилият аҳли кесадигандан бошқача қилиб кесишга амр қилдилар. Жоҳилият ва исломга етишган ҳар бир кишига мухазрам дейилади” (Исҳоқ, 1986:8).

Шу ўринда “жоҳилият” сўзига ҳам алоҳида тўхталиш лозим. “Жоҳилият”дан мурод нима, у пайғамбарликдан аввалги нарсами ёки йўқми, деган саволга имом Нававий (ваф. 676/1277 й.) Имом Муслимнинг (ваф. 261/875 й.) “Саҳиҳ”ига ёзган шарҳида қуйидагича жавоб беради: “Абу Усмон Наҳдий (ваф. 95/713 й.) ва Абу Рофиъ Соиғ (ваф. 90/708 й.), бу икки киши жоҳилиятни кўрган одамлардандир, ёки улар пайғамбарликдан олдинги кишилардир”, дея уни шундай баён қилади: “Жоҳилият – Пайғамбар алайҳиссаломга пайғамбарлик юборилишидан олдинги даврдир. Чунки унда жаҳолат жуда кўп бўлганлиги учун

[1] Бу ерда “жоҳилиятда яшаган умри билан исломда яшаган умри – тенг” маъносида.

шундай номладилар" (Саховий, Фатҳ ал-муғис, 2005:114). Бундан кўриниб турибдики, мухазрам жоҳилият даврини кўриб, исломга ўтган кишидир.

Муҳаддис Ибн Ҳожар Асқалонийнинг (ваф. 852/1448 й.) "Фатҳ ал-борий" китобидаги жоҳилият кунлари бобидаги сўзи қуйидагичадир (Солиҳ, 2009:122): "Пайғамбар (с.а.в.) туғилишлари ва пайғамбар этиб юборилишлари орасидаги бўлиб ўтган воқеалардир. Мана шу – назарда тутилган нарсадир. Қуръони каримдаги **"Аллоҳ ҳақида ноҳақ, жоҳилият гумонини қиладилар"** (Оли Имрон, 154) (Юсуф Ш., 2021:412) оятидан келиб чиқиб, асосан, рисолатдан аввалги нарсаларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, ушбу оятда ҳам бу нарса таъкидланган: **"Илгариги жоҳилиятнинг очиқ-сочиқлиги каби очиқ-сочиқ юрманг"** (Аҳзоб, 33) (Юсуф Ш., 2021:557).

Жоҳилият ва пайғамбарликка шоҳид бўлиш деганда, ваҳий келишидан аввалги ва Пайғамбар (с.а.в.) қирқ ёшга тўлиб, пайғамбарлик нозил бўлганидан кейинги даврни кўриш дея белгиланади. Мухазрамларнинг бу икки даврга етганларидан мурод ҳали ислом дини жорий бўлмасидан аввал ҳам яшаганлари ва ундан кейин имон келтирганлари тушунилади.

Умумий қилиб айтганда, жоҳилият даврда яшаган, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг тириклик вақтларида исломга кирган, бироқ у кишини тириклик вақтларида кўрмаган ва у кишининг вафотларидан кейин ҳам яшаган ҳамда шу мусулмон ҳолатида вафот этган кишига мухазрам дейилади. Унинг исломдан олдин қанча яшагани ва мусулмон бўлганидан кейин қанча умр кўргани эътиборга олинмайди.

ТАҲЛИЛ

Мухазрамлар борасида олимларнинг фикрини ўрганган ҳолда уларнинг саҳобийлардан фарқли бўлган қуйидаги жиҳатлари келиб чиқади:

Биринчидан, Пайғамбар (с.а.в.)ни мусулмон ҳолида кўрмаган ва суҳбатлашмаган. Ваҳоланки саҳобий бўлиш учун айнан шу сифат мавжуд бўлиши керак;

Иккинчидан, саҳобийлар жоҳилиятда туғилганми ёки ундан кейинми, фарқи йўқ. Уларнинг баъзилари Расулуллоҳ (с.а.в.) билан ёш жиҳатдан тенг ёки катта бўлишган, масалан, Абу Бакр (ваф. 13/634 й.), Умар ибн Хаттоб (ваф. 23/644 й.), Усмон ибн Афвон (ваф. 35/655 й.), Салмон Форсий (ваф. 35/656 й.) кабилар. Шунингдек Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68/687 й.), Усома ибн Зайд каби кичик саҳобийлар эса Пайғамбар (с.а.в.)га ваҳий келганидан кейин туғилган.

Учинчидан, Фақиҳ Ибн Қутайба (ваф. 276/889 й.), муҳаддис Суютий (ваф. 911/1505 й.) каби олимларнинг фикрига кўра, Пайғамбар (а.с.) даврида мухазрамларнинг мусулмон бўлиш шарти қўйилган. Шу ўринда қуйидагича савол туғилади: Пайғамбар (с.а.в.)ни бир киши ўзининг кофир ҳолида кўрса, кейин мусулмон бўлиб, лекин у зотни кўра олмаса, у саҳобий бўладими ёки мухазрам деб аталадими?

Ушбу саволга олимлар "саҳобий бўлмайди" дея жавоб беришган (Абу Шаҳба, 1993:345). Чунки "Саҳобийлар Пайғамбар (а.с.) замонини кўрган, мўмин ҳолатда у кишининг суҳбатида бўлган ва шу ҳолича вафот этган кишилардир" деган таърифга мувофиқ муҳаддис Ибн Салоҳ (ваф. 643/1245 й.), олим Ироқий (ваф. 806/1403 й.), муҳаддис Ибн Ҳожар (ваф. 852/1448 й.), имом Саховий (ваф. 902/1496 й.) ва ҳанафий олими Али Қорийлар (ваф. 1014/1605 й.) наздида бу шахс мухазрам сифатида қабул қилинади. Энди ушбу фикрларнинг ҳаммаси қўшиб жамланса, қуйидаги таъриф келиб чиқади: "Жоҳилият ва Пайғамбар (с.а.в.) даврини кўрган, у зотнинг ҳаётлик чоғида ёки ундан сўнг мусулмон бўлган, аммо у зотни мўмин ҳолатида кўрмаган киши – мухазрамдир" (Bilgen U. 2015:290).

Шу ўринда тобиийларнинг ким экани билан ҳам танишиб ўтиш ўринли. Тобиий деб, саҳобийни мусулмон ҳолда учратган, унинг суҳбатида бўлган ва мусулмон ҳолда вафот этган кишига айтилади (Заҳв, 1984:172). Саид ибн Мусайяб, Ато ибн Абу Рабоҳ, Ибн Шиҳоб Зуҳрий кабилар тобиийлар ҳисобланади. Бу табақани ўрганишнинг фойдаларидан бири – санаднинг охирида саҳоба тушиб қолган мурсал ҳадисни Пайғамбар (с.а.в.)гача узилмай борган муттасил ҳадисдан ажратиб олишдир (Таҳҳон, 2010:247). Шунингдек, олимлар тобиийларни бир нечта гуруҳларга ажратиб чиқишган. Улар катта, ўрта ва кичик табақадаги тобиийларга бўлинади.

Уларни ўрганиш ҳадис илмлари орасида катта аҳамиятга эга. Тобиий Расулуллоҳ (с.а.в.) замонидан кейин яшагани билан мухазрамдан фарқ қилади.

МУҲОКАМА

Мухазрамларнинг сони бўйича турли хил фикрлар мавжуд. Аллома Ҳофиз Бурҳониддин Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Халил (ваф. 841/1438 й.) ўзининг таълиф этган уч рисоладан иборат асарининг "Тазкира ат-толиб ал-муаллим" деб номланган биринчи қисмида мухазрамларнинг сони ҳақида қуйидаги фикрни келтирган: "Ҳофиз Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож (ваф. 261/875 й.) ўз китобида мухазрамларни зикр қилиб, уларни йигирма кишига етказди (Суютий, 2016:252). Унга

Ҳофиз Абу Амр ибн Салоҳ (ваф. 643/1245 й.) "Улум ал-ҳадис" асарида яна икки кишини зиёда қилди. Сўнгра у иккисига шайхимиз буюк олим Ҳофиз Зайниддин Абу Фазл Абдураҳим ибн Ҳусайн ибн Ироқий (ваф. 806/1403) "Алфия" асарининг шарҳида яна уч кишини қўшган. (Исҳоқ, 1986:7).

Имом Суютий (ваф. 911/1505 й.) фикрига кўра эса 45 нафарга (Bilgen D., 2015:308) етган. Имом Шамсиддин Заҳабий (ваф. 748/1374 й.) ўзининг "Сияр аълам ан-нубало" асарида саҳобийлардан кейинги табақада 65 нафар мухазрамларни келтирган (Заҳабий, 1985:90-109).

Бунга қўшимча равишда айтиш мумкинки, Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Халил ўзининг "Тазкира ат-толиб ал-муъаллим" асарида 131 нафар мухазрамни алифбо тартибида кетма-кет жойлаштирган. Шунингдек, куняси билан танилганлардан 17 нафар, аёллардан 2 нафар ва ёш мухазрамлардан 2 нафарини келтириб, алоҳида сарлавҳа остида тартиблаган (Исҳоқ, 1986:12-33).

Муҳаддислар ҳадис илмида ровийларнинг ким эканини, яъни саҳобийми, тобиийми ёки улардан кейингиларми, аниқлаш учун қулайлик яратиш мақсадида "табақалар" деган соҳага асос солганлар. Масалан, саҳобий бир табақа, тобиий бир табақа, табаа тобиий бошқа бир табақа ва ҳоказо. Мутақаддим ва мутааххир олимларнинг асарларида келтирган қарашларини ўрганиш жараёнида уларнинг мухазрамлар тоифасига нисбатан турлича ёндашганлари аён бўлди. Уларнинг баъзилари бу тоифани тобиийлардан деса, бошқаларнинг саҳобийлар таржимаи ҳоллари ёзилган асарларидан мухазрамларга ҳам жой ажратганларини кўриш мумкин. Муҳаддис Ибн Ҳожар Асқалоний мухазрамларнинг қайси табақадан экани борасида олимлар орасида ихтилофлар бор эканини таъкидлаган (Асқалоний, 2008:139).

Ҳадис илмига оид китобларида келтирилган маълумотлардан яна бири, мухазрамларни баъзи уламолар уч табақага бўлиб ўрганишган (Сабрий, 1997:23).

1-табақа. Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётлик даврида мусулмон эканлиги маълум бўлган кишилар. Уларнинг энг машҳури Увайс Қараний ва Ҳабашистон подшоҳи Нажошийдир (Лакнавий, 1996:535). Бу тоифадагиларнинг баъзилари Мадинага Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотидан бир неча кун кейингина етиб келишган. Қайс ибн Ҳозим, Абдураҳмон Санобиҳий, Абу Усмон Наҳдий, Зайд ибн Ваҳб шулар жумласига киради.

2-табақа. Пайғамбар (а.с.)нинг даврида мусулмон бўлганлиги текширилади кишилар. Чунки улар Мадинага у зотнинг даврида эмас, балки Умар ибн Хаттоб халифалиги ёки ундан сўнг келишган. Уларга Шурайҳ Қози (ваф. 78/697 й.), Абдуллоҳ ибн Молик, Қайс ибн Убод, Қайс ибн Марвон, Язид ибн Шарик, Абу Қатода кабилар киради.

Имом Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1887 й.) мазкур иккинчи табақани Расулуллоҳ (с.а.в.) тириклик вақтларида исломга кирганлиги машҳур бўлмаганлар, деб айтади ва улар қаторига, Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этганларидан кейин, дафн этилишларидан олдин келганлар Қайс ибн Абу Ҳозим, Абу Муслим Хавлоний, Абу Абдуллоҳ Сунобиҳийларни ҳамда саҳобийлар у кишининг дафн қилинганларидан фориғ бўланларида келган Сувайд ибн Ғафалани келтиради (Лакнавий, 1996:535).

3-табақа. Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин мусулмон бўлганлар. Масалан, Асвад ибн Ҳилол (ваф. 84/703 й.), Асвад ибн Язид (ваф. 75/694 й.), Самома ибн Ҳазн, Каъбул Ахбор (ваф. 32/652 й.) ва бошқалар шулар жумласидандир. Баъзи олимлар бу табақани мухазрамлар қаторига киритмаганлар. Чунки улар Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин Абу Бакр, Умар (р.а.) даврларида мусулмон бўлганлар.

Олимлар орасида муҳаддис Ибн Абдулбарр (ваф. 463/1070 й.) уларни саҳобийлар қаторида ўрганиб, зикр қилиб ўтади ва ўз асарида бу табақа ҳақида "Пайғамбар (с.а.в.) даврида яшаб, бир асрга шерик бўлган барчани китобимга киритишни истадим" деб таъкидлаган (Абдулбарр, 2019:46). Замонавий олимлардан Нуриддин Итр (ваф. 2020 й.), баъзи олимлар уларни саҳобалардан, деб ҳисоблашларини айтиб ўтади, бироқ бу фикрга ўзининг мулоҳазасини келтирмайди (Итр, 1986:149).

Бошқа муҳаддис Ибн Ҳожар Асқалоний эса ўз асарида олим Ибн Абдулбарр фикрига қарши чиқади ва унинг фикрини келтириб, тўғри гап улар катта тобийлардандир, деб хулоса қилади (Асқалоний, 2008:140). Шунингдек, имом Муслим ривоят қилган ҳадисда эса, "Тобиийларнинг энг яхшиси Увайс деган кишидир" (Муслим, 2020:635), дейилганидан, уларнинг тобиийлар қаторида эканини билиш мумкин. Чунончи мазкур ҳадисга биноан олимлар мухазрамларни тобийлардан бири ҳисобланишини айтганлар ва шунингдек, саҳобийларни кўрганликларини эътиборга ҳам олганлар. Масалан, муҳаддис Ибн Салоҳ (ваф. 643/1245 й.) (Салоҳ, 1986:303). Муҳаддислардан Ҳоким Найсапурий ҳам шу фикрни қўллаб ўтган (Найсапурий, 1977:44). Мазкур маълумотларга таяниб айтилса мухазрам тобиийлар табақасида туради. Шунингдек, имом Заҳабий (Заҳабий, Ал-Муин фи табақот ал-муҳаддисин, 1998:41), Имом

Суютий (Суютий, Табақот ал-ҳуффоз, 1983:27) ҳам уни катта тобиийлар қатори зикр қилган. Абу Исҳоқ Шерозий ҳам тобиийлар қаторида санаб ўтган (Шеърозий, 1970:80). Имом Заҳабий Амр ибн Асвад ҳақида маълумот бериб, "Жоҳилият ва исломни топган, динда ва тақвода тобиийларнинг улуғларидан бўлган", деган (Заҳабий, Сияр аълом ан-нубало, 1985:79).

"Саҳобийларнинг ҳаётини ўрганган мусаннифларнинг баъзилари Пайғамбар (с.а.в.) замонида бўлган, лекин у зотни кўрмаган ва суҳбатида бўлмаганлардан иборат бир жамотни зикр қилиб ўтган. Масалан, Аҳнаф ибн Қайс ва бошқалар. Шубҳа йўққи, Аҳнаф ибн Қайс Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг даврида яшаган кишилардан бўлган, лекин кўрмаган. Унинг Расулуллоҳ (а.с.) ҳаётлик пайтида бўлганига далил шуки, у Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ҳузурига Басра аҳли элчилари билан уларнинг аслзода кишиси сифатида келганидир. Бу – машҳур қисса ҳисобланади. Аммо у Пайғамбар (с.а.в) ҳузурига келмаган ва суҳбатида бўлмаган…

Модомики, бу кишиларни уларнинг Расулуллоҳ (с.а.в) замонида мусулмон ҳолида бўлганланликлари учун зикр қилган экан, демак, у зотнинг ҳаётликларида исломга кирган, у зотнинг исмлари уларга етган ҳар бир шахсни ҳам зикр қилиб ўтиш керак бўлади. Чунки элчилар бошқа араб давлатларидан қавмларининг исломга кирганлиги сабабидан, ҳижратнинг 9 ва 10-йилларда Расуллулоҳ (с.а.в.) нинг ҳузурларига боришган. Шунингдек уларни зикр қилганларга қиёсан барчаларини айтиб ўтиш лозим бўлади" (Ибн, А. 2003:114). Бу фикр машҳур ислом тарихчиси Иззуддин ибн Асир Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Жазарий (ваф. 630/1233 й.)га тегишли бўлиб, у киши ўзининг "Усд ал-ғоба" асари муқаддимасида унда келтирилган ровийлар ҳақида сўз юритади. Эътиборни тортувчи жиҳати шуки, у кишининг "Пайғамбар (с.а.в.) замонида бўлган, лекин у зотни кўрмаган ва суҳбатида бўлмаган бир жамоатни зикр қилиб ўтишди" деган сўзидадир. Яъни, олим асарида "мухазрам" сўзини ишлатмасдан, унга хос сифат билан ровийларни таърифлаб ўтган. Шунга қарамай, барча муҳаддисларнинг ровийларга бағишланган асарларида мухазрамларнинг таржимаи ҳоллари мавжуддир.

Турк олимларидан доктор Усмон Билген ўзининг "Мухазрамларнинг ҳадис илмидаги ўрни" номли мақоласида шундай дейди: "Саҳобийлар ва тобиийлар табақаларини аниқлашда баён қилинган тамойиллар мухазрамлар учун тилга олинмаган. Шу сабабли ҳадис илмда мухазрамлар тобиийнларнинг бир қисми сифатида ўрганилади. Лекин шунга қарамай, улар Пайғамбар (а.с.) даврида уни кўрмаганликлари сабабли саҳобийлардан, бу даврда яшаганлари учун эса тобиийлардан фарқ қилишлари айни ҳақиқатдир" (Bilgen D. U., 2015:293).

Бу борада асар ёзган олимлардан бири Бурҳониддин Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Халил (ваф. 841/1438 й.) китобида уларни қандай тартиблаганлигини баён этган: "Агар биз шайхларимиз у ҳақида айтган нарсани зоҳирига кўра тасдиқлаган бўлсак, жуда кўп мухазрамлардан иборат бир жамоат йиғилади. Мен уларнинг баъзиларини зикр қилдим. Уларнинг кўплиги сабабли барчасини тўлиқ жамлашга мен учун имкон бўлмади. Мен уларни алифбо ҳарфлари асосида исмлари ва отасининг исмига кўра тартибладим. Улардан Муслим (م), Ибн Салоҳ (ص) ва шайхимиз Ироқий (ع) зикр қилганларини махсус белгилар билан билдириб ўтдим. Аломатсиз зиёда қилганларимни тарк этдим, аломатнинг тарк этилиши эса улар учун бир аломатдир" (Исҳоқ, 1986:11).

Муҳаддислар ўз асарларида мухазрамлари танитишда турли услубларни қўллаганлар. Масалан, имом Заҳабий баъзида ўзи аниқ фикрни айтмай "... Макка фатҳи йили, Яманда исломга кирган. Унинг суҳбати (саҳобийлиги) бўлмаган" (Заҳабий, Сияр аълом ан-нубало, 1985:40), "...мухазрамлардан эди, жоҳилият ва исломни топган" (Заҳабий, 1985:79), "Муҳаммадий рисолат кунларида туғилган, мухазрамлардан" (Заҳабий, 1985:97), "катта эҳтимол билан мухазрам" (Заҳабий, 1985:516), "жоҳилият ва исломни топган, таниқли тобиийлардан эди" (Заҳабий, 1985:528,7), "нубувват куларида туғилган" (Заҳабий, 1985:97), имом Суютий ҳам қисқа иборалар қўллаган, масалан, "у мухазрамлардандир" (Суютий, Табақот ал-ҳуффоз, 1983:26), "топган ва кўрмаган" (Расулуллоҳ (с.а.в.) замонини топган, у кишини кўрмаган) (Суютий, Табақот ал-ҳуффоз, 1983:23).

ТАҲЛИЛ

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳадис олимларининг асарларида "энг улуғ тобиий" деган даражага ким лойиқ эканида ихтилоф мавжуд. Зеро юқорида келтирилган имом Муслимдан ривоят қилинган ҳадисга биноан, энг яхши мухазрам номига Увайс Қараний сазовор бўлган (Муслим, 2020:635). Имом Заҳабий (ваф. 748/1347 й.) эса, ўз замонида тобиийларнинг саййиди, деган (Заҳабий, Сияр аълом ан-нубало, 1985:19-20). Замонавий олимлардан Маҳмуд Таҳҳон энг улуғ тобиий сифатида машҳур

мадиналик олим Саид ибн Мусайяб (ваф. 93/712 й.)ни келтиради ва уни машҳур гап дейди (Таҳҳон, 2010:249).

Бу тоифага хос хусусиятлардан бири – улар муаммирун (узоқ умр кўрганлар) деб аталган кишилардан бўлганлигидир. Чунки мухазрамлар умрининг аввали жоҳилиятда, қолгани исломда ўтганлиги уларнинг аксар қисми узоқ умр кўрганлигидан дарак беради. Масалан, Робиъ ибн Ҳирош (ваф. 104/722 й.), Абу Ражо Уторудий (ваф. 105/723 й.) кабилар иккинчи асргача яшашган. Сувайд ибн Ғофала (ваф. 81/700 й.), Шурайҳ Ҳониъ (ваф. 78/697 й.), Зир ибн Ҳубайш (ваф. 81/700 й.) ва қози Шурайҳнинг (ваф. 78/697 й.) ҳар бири эса камида бир юз йигирма йил умр кўрган. Сувайд ибн Ғофала (ваф. 81/700 й.) Фил йилида туғилган бўлиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) билан тенгдошдир ва у 134 ёшида вафот этган (Bilgen D. U., 2015:294). Шунингдек, улардан ҳам узоқ умр кўрган мухазрамлар ҳам бор.

Замонавий олимларидан Доктор Омир Ҳасан Сабрий ўзининг "ал-Мухазрамун мин ар-руват фи Муснади имам Аҳмад ибн Ҳанбал" асарида хулоса сифатида қуйидаги фикрни таъкидлайди (Сабрий, 1997:20): "Биз муқаддимада келтириб ўтганимиздек, мухазрамлар – тобиийларнинг улуғларидан ҳисобланади. Маълумки, бу табақанинг кўпчилиги ишончли ва ҳақиқатдан ҳам улар катта уламолар бўлишган. Шунинг учун улардан бирор киши яширилган, билимсиз ёки тажрибасиз дея сифатланган бўлса, агар у ўз хабарида мункар ёки машҳур ровийларга зид келадиган бирор нарсани келтирмаган бўлса, бу унга ҳеч қандай зарар қилмайди. Биз улар ҳақида Ибн Салоҳнинг (ваф. 643/1245 й.) фикрини келтирган эдик, эҳтимол бунинг сабаби улар ўз ривоятларида ҳадисларга нисбатан аниқликни сақлашга ҳаракат қилишганидир. Бу табақада Расулуллоҳ (с.а.в.)га нисбатан ёлғон ишлатиш аниқланмагани кабидир".

Шунингдек, яна қуйидаги мулоҳазани ҳам келтирган: "Мухазрамлар саҳобийлардан кейин одамларнинг энг яхшиси эканлигида шубҳа йўқ. Чунки улар "Биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар" (Юсуф Ш., Тафсири ҳилол, 2008:604) (Тавба, 100) оятидаги Аллоҳ мақтаган эргашувчилардир. Шу билан бирга улардан саҳобийлар ҳам ҳадис ривоят қилган кишилар бор (Сабрий, 1997:22), бу эса уларнинг фазли ва мартабасининг улуғлигига далолат қилади. Бу муҳаддислар истилоҳида "катталарнинг кичиклардан ривоят қилиши" деб номланади. Бунга мисол қилиб Умар ибн Хаттоб (ваф. 23/644 й.) розияллоҳу анҳунинг Увайс Қаранийдан (ваф. 37/657 й.) (Мухамедов Н., 2014: 54-57) ривоят қилганини келтириш мумкин.

"Усайр ибн Жобир (р.а.)дан ривоят қилинади: "Қачон Умарга Ямандан мадад кучлари келса: Ичингизда Увайс ибн Омир борми?, деб сўрар эди. Охири у Увайсни топди ва:

– Сен Увайс ибн Омирмисан? – деди.

– Ҳа, – деди.

– Муроддан, кейин Қоранданмисан? – деди.

– Ҳа, – деди…

– Мен Расулуллоҳ (с.а.в)нинг "Сизларга Яман аҳлининг мадад кучлари ичида Увайс ибн Омир келади. У Муроддан, кейин Қорондандир. Унда песлик бор эди. Ундан тузалгану, фақат бир дирҳамча жой қолган. Унинг волидаси бор. У унга яхшилик қилади. Агар у Аллоҳга қасам ичса, У Зот унинг қасамини бажо қилади. Агар ундан сенга истиғфор айтишини сўрай билсанг, ўшандоқ қил", – деганларини эшитганман. Менга истиғфор айт, – деди. Шунда у унга истиғфор айтди" (Заҳабий, 1985:20).

Умар ибн Хаттоб (р.а)дан ривоят қилинган ҳадисда қуйидагилар келтирилади: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Албатта, тобиийларнинг яхшиси Увайс деб аталадиган кишидир. Унинг волидаси бор. Унда оқлик бор эди. Унга амр қилинглар, сизлар учун истиғфор айтсин", деганларини эшитганман" (Заҳабий, Сияр аълом ан-нубало, 1985:20).

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган далиллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мухазрамлар деб аталган ровийларнинг ўзига хос тоифасининг ўрганилиши тарихий воқеа-ҳодисаларга аниқлик киритиш, ҳадис ровийларининг таржимаи ҳолларига доир маълумотларни янада чуқурроқ очиб бериш каби бир қанча илмий изланишларда катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга мусулмон олимларининг ислом дини манбаларига қаратган диққат-эътибори, уларни турли бузилиш ва нуқсонлардан сақлаш ва ҳозирги кунгача етиб келишида энг ишончли ва мураккаб йўлни танлаганларини кўрсатади.

Ҳадисларнинг ҳозирги кунгача етиб келишида муҳаддисларнинг амалга оширган ишлари диққатга сазовордир. Чунки улар ҳар бир ҳадиснинг ўзигача қайси йўллар билан, қандай кишилар томонидан ривоят қилинганига жуда катта эътибор беришган. Улар ҳадис ривоят қилувчи ровийларнинг саҳобий, тобиий, табаа тобиий ва бошқа табақаларини аниқлик билан ўрганишган. Шулар орасида ўзига

хос сифатга эга – мухазрамлар ҳақида маълумот тўплаб тадқиқ этиш янада катта аниқни талаб қилиши шубҳасиз.

Мухазрамлар саҳобий ва тобиийлар орасидаги ўзига хос гуруҳ. Уларнинг ҳаётини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар саҳобийлар каби Араб яриморолининг турли томонларидан ҳисобланадилар.

Бу тоифани ўрганишда ислом тарихи, ровийлар ҳаётига бағишланган тарихчи Ибн Саъднинг «Табақот ал-кубро», имом Заҳабийнинг «Сияр аълом ан-нубало» каби асарлар ва табақот китобларига мурожаат қилинади. Ўрта аср олимларидан бу борада алоҳида асарлар тасниф этганлари бўлиб, улар ҳозирги кунда бу соҳани тақдид этишда энг қимматли манбалар ҳисобланади.

Мухазрамлар ҳадис илмида саҳобийларни ўрганилгани каби кенг тадқиқ қилинмаган. Айниқса бу борада мутақаддим уламолар ўз асарларида батафсил маълумот берганлар. Бугунги кунда ҳам ҳадис илми олимлари ва мутахассислари томонидан кўплаб изланишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда мавжуд кенг имкониятлар сабабли бу каби асарларни ўрганиш мутахасислар учун долзарб масалага ҳисобланади. Бу илмлар бўйича ёзилган китобларни тадқиқ этиш орқали аввалги асрларда ҳадис илмига бўлган муносабат ҳақида етарлича тушунчага эга бўлиш, бу ҳақдаги маълумотларни келажак авлод фойдаланиши учун соф ва тушунарли ҳолатда етказиш муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Bilgen, D. U. (2015). Muhadramların hadis ilmindeki yeri. Istambul: Dicle Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi.
2. Muratov, D. (2019). The Role on the Companions in the Science of Hadith. The Light of Islam(4), 14-20. https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/2
3. ابن عبدالبر (2019). الاستيعاب في معرفة الاصحاب. – بيروت: مركز بحوث و درسات الاسلامية.
4. Ан-Наим. (2003). Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси.
5. ابن حجر العسقلاني (2008). نزهة النظر شرح نخبة الفكر. – المدينة: مكتبة الملك فهد.
6. سعيد عبدالماجد الغوري (2007). موسوعة علوم الحديث وفنونه. (ج. 3.) – دمشق: دار ابن كثير.
7. الذهبي (1985). سير اعلام النبلاء (ج. 1.) – بيروت: مؤسسة الرسالة.
8. الذهبي (1985). سير اعلام النبلاء (ج. 4.) – بيروت: مؤسسة الرسالة.
9. الذهبي (1998). المعين في طبقات المحدثين. – بيروت: مطبعة عبير.
10. محمد ابو زهو (1984). الحديث والمحدثون. – القاهرة: دار الكتب العلمية.
11. ابن حجر العسقلاني (2003). اسد الغابة في معرفة الصحابة. – بيروت: دار العلمية.
12. نورالدين عتر (1986). منهج النقد في علوم ابحديث. – دمشق: دار الفكر.
13. علي القاري (1995). شرح شرح نخبة الفكر في مصطلحات اهل الاثر. – بيروت: دار لارقم.
14. عبدالحي اللكنوي (1996). ظفر الاماني بشرح مختصر السيد الشريف الجرجاني في مصطلح الحديث. – حلب: مكتبة المطبوعة الاسلامية.
15. Муслим. (2020). Саҳиҳи Муслим (Т. 5). Тошкент: Ҳилол-нашр.
16. Mukhamedov N., Turambetov N. Memorial complex of the Sultan Uwais Baba – one of cult historical centers in Central Asia // ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Vol. 10 Issue 6, June 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 http://www.saarj.com. -P. 798-803.
17. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/ files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
18. الحاكم النيسبوري (1977). معرفة علوم الحديث. – بيروت: دار الكتب العلمية.
19. عامر حسن صبري (1997). المخضرمون من الرواة في مسند الإمام أحمد بن حنبل. – القاهرة: دار الكتب المصرية.
20. ابن صلاح (1986). – بيروت: دار الفكر.
21. السخاوي (2005). فتح المغيث (ج. 4.). – الرياض: مكتبة دار المنهاج.
22. السخاوي (2005). فتح المغيث (ج. 1.). – الرياض: مكتبة دار المنهاج.
23. أحمد موسى علي صالح (2009). المخضرمون من المحدثين ومروياتهم. – سودن: مجلة الشرعية والدراسات الاسلامية.
24. السيوطي (1983). طبقات الحفاظ. – بيروت: دار الكتب العلمية.
25. السيوطي (2016). تدريب الراوي في شرح تقريب النووي (ج. 5.). – جدة: دار المنهاج.
26. محمود طحان (2010). تيسير مصطلح الحديث. – الرياض: مكتبة المعارف.
27. برهان الدين ابو اسحاق ابراهيم (1986). تذكرة الطالب المعلم. – دلهي: دار العلمية.
28. أبو شهبة (1993). الوسيط في علوم و مصطلح الحديث. – بيروت: دار المعرفة.
29. أبو اسحاق الشيرازي (1970). طبقات الفقهاء. – بيروت: دار الرائد العربي.
30. Юсуф, М. С. (2019). Мусталаҳ ал-ҳадис. Тошкент: Ҳилол-Нашр.
31. Юсуф, М. С. (2021). Тафсири ҳилол (Т. 4). Тошкент: Ҳилол - нашр.
32. Юсуф, Ш. М. (2008). Тафсири ҳилол (Т. 2). Тошкент: Ҳилол-нашр.
33. Юсуф, Ш. М. (2021). Тафсири ҳилол (Т. 1). Тошкент: Ҳилол - нашр.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR

1. Bilgen, D. U. (2015). Muhadramların hadis ilmindeki yeri. Istanbul: Dicle Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi.
2. Muratov, D. (2019). The Role on the Companions in the Science of Hadith. The Light of Islam(4), 14-20. https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/2
3. Abdulbarr, I. (2019). Al-Istiyob fi ma’rifat al-as’hob (T. 1). Bayrut: Markaz buhus va dirosat al-islamiya.

4. An-Naim. (2003). Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi.
5. Asqaloniy, I. H. (2008). Nuzhat an-nazar sharh nuxbat al-fikar. Madina: Maktabat al-Malik Fahd.
6. G‘ovriy, S. A. (2007). Mavsua ulum al-hadis va fununih (T. 3). Dimashq: Dor Ibn Kasir.
7. Zahabiy. (1985). Siyar a’lom an-nubalo (T. 1). Bayrut: Muassasa ar-risola.
8. Zahabiy. (1985). Siyar a’lom an-nubalo (T. 4). Bayrut: Muassasa ar-risola.
9. Zahabiy. (1998). Al-Muin fi tabaqot al-muhaddisin. Bayrut: Matbaa Abir.
10. Zahv, M. A. (1984). Al-Hadis va-l-muhaddisun. al-Qohira, Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya.
11. Ibn, A. (2003). Asad al-g‘oba fi ma’rifa as-sahoba. Bayrut – Livan: Dorul ilmiyya.
12. Itr, N. (1986). Manhaj an-naqd fi ulum al-hadis. Dimashq: Dor al-fikr.
13. Qoriy, A. (1995). Sharh sharh nuxbat al-fikar fi mustalahot ahl al-asar. Bayrut: Dor al-Arqam.
14. Laknaviy, A. (1996). Zafar al-amoniy bi sharh muxtasar as-sayyid ash-sharif al-Jurjoniy fi mustalah al-hadis. Halab: Maktaba al-matbua al-islamiyya.
15. Muslim. (2020). Sahihi Muslim (T. 5). Toshkent: Hilol-nashr.
16. Mukhamedov N., Turambetov N. Memorial complex of the Sultan Uwais Baba – one of cult historical centers in Central Asia // ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Vol. 10 Issue 6, June 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 http://www.saarj.com. -P. 798-803.
17. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/ files/ conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
18. Naysapuriy, H. (1977). Ma’rifa ulum al-hadis. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
19. Sabriy, O. H. (1997). Al-Muxazramun min-ar-ruvat fi Musnad Imom Ahmad ibn Hanbal. Qohira: Dor al-kutub al-Misriyya.
20. Saloh, I. (1986). Ulum al-hadis. Bayrut: Dorul fikr.
21. Saxoviy. (2005). Fath al-mug‘is (T. 4). ar-Riyod: Maktaba Dorul Minhoj.
22. Saxoviy. (2005). Fath al-mug‘is (T. 1). ar-Riyoz: Maktaba Dorul Minhoj.
23. Solih, A. M. (2009). Al-Muxazramun min-al-muhaddisin va marviyyatihim. Sudan: Majalla ash-shar’iyya va-d-dirosat al-islamiyya.
24. Suyutiy. (1983). Tabaqot al-huffoz. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
25. Suyutiy. (2016). Tadrib ar-roviy fi sharh taqrib an-Navaviy (T. 5). Jidda: Dor al-minhoj.
26. Tahhon, D. M. (2010). Taysir mustalah al-hadis. ar-Riyoz: Maktaba al-maorif.
27. Burhanuddin, A. I. (1986). Tazkira at-tolib al-muallim. Dehli: Dorul ilmiya.
28. Shahba, M. i. (1993). Al-Vasit fi ulum va mustalah al-hadis. Bayrut: Dor al-ma’rifa.
29. She’roziy, A. I. (1970). Tabaqot al-fuqaho. Bayrut: Dor ar-roid al-arabiy.
30. Yusuf, M. S. (2019). Mustalah al-hadis. Toshkent: Hilol-Nashr.
31. Yusuf, M. S. (2021). Tafsiri hilol (T. 4). Toshkent: Hilol - nashr.
32. Yusuf, Sh. M. (2008). Tafsiri hilol (T. 2). Toshkent: Hilol-nashr.
33. Yusuf, Sh. M. (2021). Tafsiri hilol (T. 1). Toshkent: Hilol - nashr.